

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳужутида
УДК 811.512.133
81.36

МУСУЛМАНОВА НАРГИЗА РАҲМАТИЛЛАЕВНА

ГРАММАТИК ШАКЛЛАРДА КАТЕГОРИАЛ,
ЁНДОШ ВА ҲАМРОҲ МАЪНО
(замон ва майл категориялари мисолида)

10.02.02 - ўзбек тили

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2007

Диссертация Қарши давлат университеті Ўзбек тилишунослиги кафедрасида бајарилган.

Илмий рахбар -

филология фанлари доктори, профессор
Б. Р. МЕНГЛИЕВ

Расмий оппонентлар:

филология фанлари доктори
М. М. ҚУРБОНОВА

филология фанлари номзоди
Ў. ЛАФАСОВ

Етақчи муассаса -

Бухоро давлат университети

Химоя 2007 йил «4» декабр куни соат 4.00 да
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил
ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК 015.04.02 рақамли докторлик илмий
даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Ихтисослашган
кеңаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй.

Авторсерафат 2007 «4» декабр да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий
қотиби, филология фанлари
номзоди


Н. М. ХАММАМОВ

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Давр ва фан таракқиети талқикотчи
зиммасига хар доим янги масъулият юслайди. Мамлакатимизда эришилган
миллий истиклол ва жамятда юз берган маънавий-мафкуравий ўзгариш
фан, хуусан, ўзбек тилишунослиги олдига муайян талабларни қўйди.
Маълумки, тилда, чунончи, грамматик қурилишида ҳам, миллат рухияти акс
этади. Президентимиз «Она тили – миллатнинг рухи» иборасини бејиз
таъкидлаган эди. Истиклол туфайли ўзбек тилини унинг субстанциал
табиатидан келиб чиққан ҳолда текшириш ўзбек миллий маънавиятини
ўрганиш, миллий мафкура ва миллий гоани тарғиб қилишнинг қўрнинишдан
бирига айланди. Бу эса ўзбек тили грамматикасига ҳам унда миллий рухият
акс этган мавжудлик сифатида ёндашишни такозо қилади. Бу – биринчидан.
Иккинчидан, грамматикани ўрганишнинг янги босқичига қўтарилиш, яъни
грамматик категорияларни ўзбек тилишунослигидаги лисоний тизим
яхлитлиги қонуниятидан келиб чиққан ҳолда турли умумийлик мажмуидан
ибораи бутунлик сифатида текшириш грамматик маънони тарқибий қисмга
бўлиб ўрганишни ҳам талаб қилади. Бу диссертация мавзунинг
долзарблигини белғилайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тили грамматик
категорияларини ўрганиш ўзининг учинчи босқичида. Ўрганишнинг биринчи
босқичида формал-мантик методологиясига таянган ҳолда ва тасвирий метод
асосида грамматик категориялар аниқланиб, бу тушунча остида, асосан,
морфологик ва қисман синтактик категория талқик этилди. Грамматик
(морфологик) категориянинг тури ажратилиб, хар бирига хос шаклларнинг
бир системага солиналганини, шакллар ифодақайлаган, матн ва қушовда
намоён бўлуви турли-туман нутқий маънолар аниқланганлиги ва
тавсифланганлигини таъкидлаш лозим. Бунда А.Н.Кононов, А.Ғуломов,
Ғ.Абдурахмонов, Ғ.Абдуллаев, А.В.Бондарко, М.Аскарлова, А.Хожиев,
А.А.Қоқиянова, Ж.Мухторов, У.Турсунов, Ғ.Зиқриллаев каби
тилишуосларнинг хизмати қатта бўлди ва ахлит грамматик таълимот
яратилди. Номн зикр этилган олимлар талқикоти асосида ўзбек тилининг
формал академик грамматикаси, олий ва ўрта таълим бўғини учун дарслик
ҳамда қўлланмалар вужудга келди.

Грамматикани ўрганишнинг иккинчи босқичи бевосита ўзбек
тилишуослигига диалектик мантининг методологик асос сифатида татбиқ
этилиши ҳамда тил тизимида лисон ва нутқнинг итич фарқланиши билан
боғлиқ. Бунда грамматик категориянинг умумий, хуусий ва оралик
грамматик маъноси, шакллараи оппозитив муносабат ўрганилиб, ўзбек
тилининг субстанциал морфологияси яратилди. Бу борада С.Н.Иванов,
Н.Махмудов, А.Нурмонов, Х.Неъматов, Ғ.Зиқриллаев, М.Аъломова,
Ш.Шаҳобиддинова, З.Қодиров каби тилишуос ва улар издошларининг

нишлари алоҳида таъкидлаш лозим. Бу эса грамматик маъно таркибини тавсифлаш учун замин яратди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот режаси билан боғлиқлиги. Тадқиқот Қарши давлат университети ўзбек тилишунослиги кафедрасида ўрганиладиган «Ўзбек тилининг субстанциал тадқиқи» маъносидаги истиқболли режаси асосида амалга оширилади. Ману Қарши давлат университети илмий кенгаши йиғилишида муҳокама этилиб, тасдиқланган.

Тадқиқот мақсади ўзбек тили грамматик категориялари умумий грамматик маъно (УГМ)си мураккаб таркибли бўлиб, унда категориянинг субстанциал моҳияти бўлган категориялар маъно билан биргаликда бошқа категорияга ҳоё ёндош ва ҳамроҳ маъно қоришган ҳолда мавжудлигини асослашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилар:

- умумий грамматик маъно мураккаб таркибли бўлишининг фалсафий асосини еритиш;
- умумий грамматик маъно мураккаб таркибли бўлишининг умумлингвистик қонуниятини баён қилиш;
- грамматик маъно таркиби категориялар ёндош ва ҳамроҳ маънодан иборатлигини асослаш;
- категориялар маъно макомини белгилаш;
- ёндош маъно ва унинг турини аниқлаш;
- ҳамроҳ маъно ва унинг турини аниқлаш;
- ўзбек тили грамматик категорияларининг категориялар маъно таркиби нуктаи назардан тавсифини бериш;
- назарий фикрларни замон ва майл категориялари мисолда асослаш.

Ишнинг тадқиқ объект, предмети ва материали. Диссертациянинг тадқиқ объект ўзбек тилининг морфологик категориялари, тадқиқ предмети грамматик маъно таркиби, тадқиқ материали эса замонавий ўзбек адаблари асарларидан олинган мисоллар.

Ишнинг методологик асоси ва тадқиқ усули. Тилга системавий ёндашувнинг методологик асоси бўлган диалектик маъниқ ҳамда диалектика категориялари, ҳуусеан, субстанция ва акциденция, тасаввуфнинг гносеологик таълимоти таянч тушунчалари асосида иш қўриш тадқиқотининг фалсафий билиш йўли ҳисобланади. Тадқиқот лисеон, нутқ ҳамда метерни изчил фарқлайдиган систем текшириш ҳамда компонент тахлил усули асосида баъжарилади.

Хулосага олиб чиқилдиган асосий ҳолатлар:

1. Умумий грамматик маъно мураккаб таркибли бўлиб, у борлиқдаги бирорта насанинг ҳам соф ҳолда мавжуд эмаслиги билан фалсафий далилланади.
2. Умумий грамматик маъно мураккаб таркибли бўлишининг умумлингвистик қонуниятини тилининг нутқда яхлит воқеаланиши, унда турли

сатҳ ҳодисаси қоришиб кетишидир.

3. Нутқий грамматик маъно таркиби категориялар, ёндош ва ҳамроҳ маънодан иборат. Улардан категориялар ва ёндош маъно лисоний характерга эга бўлиб, ҳаммаша диалектик боғлиқликда, ҳамроҳ маъно эса нутқий табиатли. Категориялар маъно грамматик шаклнинг моҳияти бўлиб, ёндош маъно – категория УГМсида мавжуд ва категориялар маъно билан диалектик боғланган лисоний ҳодиса.

4. Ёндош маънонинг қайси сатҳга тегишлилигига қараб унинг лексик, морфологик, синтактик, услубий ва қоришқ турли фарқланади. Бу категориянинг лексик–грамматик, синтактик, услубий–грамматик каби тури билан боғлиқ.

5. Ҳамроҳ маъно категориялар маъно билан диалектик алоқадор бўлмаган, матн ва нутқ шароитига боғлиқ равишда юзага чиқадиган маъно. Ҳамроҳ маънонинг ҳам лексик, морфологик, синтактик, услубий ва қоришқ турини фарқлаш лозим.

6. Замон категорияси ўзбек тилида энг қўп шакли категория ҳисобланади. Унинг асосий уч тури қўллаб қўринишга эга. Бундай қўринишларни ажратиш – замон категориясида лисоний (категориялар ва ёндош) ва нутқий (ҳамроҳ) маънони фарқламаслик оқибати. Категориялар ва ёндош маънога замон категорияси шаклини ажратиш учун асос бўлади.

7. Замон категориясида замон ва майл маъноси диалектик боғлиқликда бўлиб, бири иккинчисиз юзага чиқмайди. «Майл» маъноси «замон» маъноси учун ёндош маъно сифатида яшайди. Майл категорияси учун «замон» маъноси ана шундай аҳамиятга эга. Нутқ жараёнида бу икки тур маънога турли-туман нутқий маъно ҳамроҳлик қилиб, махсус методологиясиз уни ўрганиш тадқиқотчини адаштиради.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

- умумий грамматик маъно мураккаб таркибли бўлишининг фалсафий асоси борлиқдаги бирорта насанинг ҳам соф ҳолда эмаслиги, ҳар қандай умумий деб олинган нарсаси бошқа турли хил умумийликнинг қўриниши, заррасидан иборатлигига эканлиги далилланади;
- умумий грамматик маъно мураккаб таркибли бўлишининг умумлингвистик қонуниятини тилининг нутқда яхлит воқеаланиши, унда турли сатҳ ҳодисаси қоришиб кетиши, бу эса нутқий ҳодиса синтези асосида юзага келувчи лисоний умумийликнинг мураккаб таркибли бўлишига олиб келиши эканлиги асосланади;
- грамматик маъно таркиби категориялар, ёндош ва ҳамроҳ маънодан иборат бўлиб, категориялар маъно шу категориянинг субстанциал моҳияти эканлиги, ёндош ва ҳамроҳ маъно у билан бирга бўлган бошқа категория унсурини эканлиги баён қилинди;
- категориялар маъно макомини белгиланди;

анъанавий илмий-услубий анжуманлари материалларида ўз аксини топган. Иш юзасидан тўрта мақола, учта маъруза тезисан эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилishi ва хажми. Диссертация ишнинг умумий тавсифи, кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиёт ва шартли кискартмалар бўлиб, матнда 10 та жадвал ва 4 та схема келтирилган. Ишнинг умумий хажми 110 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Ишнинг умумий тавсифи» қисмида мавзунинг тадқиқ даражаси ва долзарблиги, мақсад ва вазифаси, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот объекти ва предмети, материали, методологик асоси, тадқиқ усули, диссертация натижасининг жорийланиши ва тузилиши баён қилинади.

Ишнинг кириш қисми «Лисоний моҳият умумийликлар мажмуи сифатида» деб номланади. У икки бўлмидан иборат бўлиб, биринчисида лисоний имкониятнинг нуктада ахлит воқеаларини ҳақида сўз боради.

Тилга систем ёндашув методологик асос сифатида диалектика ва унинг биллиш назариясига таянади. Бунда диалектика категориялари, хусусан, *умумийлик* ва *моҳият* тушунчаси марказий ўринни эгаллайди. Бунинг изчил фарқлаб идрок этилиши тадқиқ манбамиз — грамматик шакллати категориялар, ёндаш ва ҳамроҳ маънони фарқлашда муҳимлиги сабабли масалага методологик асос сифатида алоҳида тўхталниш зарурати бор.

Ўзбек тилишунослигида тил бирлигининг лисоний моҳиятига умумийлик ва моҳият, нутқий воқеаларини эса хусусийлик, ҳодиса сифатида қараш урф бўлди ва бу ушбу йўналиш тамойиллари асосида яратилган кўп сонли илмий тадқиқот ишларида, ўқув ва услубий адабиётларда ўз ифодасини топди. Кўп ҳолда умумийлик ва моҳият категорияси бир-бирининг маънолоши сифатида талқин этилади: **лисоний умумийлик, лисоний моҳият** каби.

Замонавий ўзбек тилишунослигида фалсафий умумийлик ва моҳият категориясининг тил ҳодисасига татбиқи Ҳ.Неъматов, А.Нурмонов, Н.Махмудов, Р.Сайфуллаева ва уларнинг издошлари тадқиқотларида изчил давом эттирилди. Бунда, асосан, лисоний бирликка хос умумийлик (УГМ), умумий синтактик қолпи (УСК), умумий лугавий маъно (УЛМ)ни тиклаш мақсад қилиб қўйилди ва тил ҳодисасининг моҳияти деганда унинг лисоний умумийлиги назарда тутилди. «Грамматик шаклнинг парадигматик маъносига муносабат нукта назардан грамматик категория маъноси умумийлик сифатида намоён бўлади. Грамматик категория билан парадигматик маъноси у билан ёндаш бошқа грамматик категория билан муносабатидан келиб чиқади. Грамматик шаклнинг (категориянинг) моҳияти

— ёндаш маъно категория УГМсида мавжуд ва категориялар маъно билан диалектик боғланган устама маъно эканлиги асосланиб ҳамда унинг лексик, морфологик, синтактик, услубий каби тури очилди;

— ҳамроҳ маъно категориялар маъно билан диалектик боғлиқ бўлмаган, гоҳ намоён бўлиб, баъзан юзага чиқмайдиган, кўпроқ мати ва қуриов билан боғлиқ ҳолда воқеаланидиган маъно эканлиги асосланди ва унинг тури келтирилди;

— ўзбек тили грамматик категориялари категориялар маъно таркиби нукта назаридан тавсифланиб, ҳар бир категориянинг категориялар, ёндаш ва ҳамроҳ маъноси обдинлаштирилди;

— замон категорияси УГМси учун «замон» маъноси категориялар ва «майл» маъноси нокатегориялар, майл категорияси УГМси учун эса «майл» маъноси категориялар ва «замон» маъноси нокатегориялар маъно эканлиги, шу билан кўп ҳолларда уларни бир категория сифатида қараш ҳоллари мавжудлиги асосланиб, бу категорияларнинг ҳамроҳ маъноси ҳам берилди ва таснифланди.

Тадқиқот натижасининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот грамматик категориянинг лисоний тизим ахлитлиги нукта назаридан тавсифини бериш, умуман олганда, ҳар қандай лисоний бирлигининг лисоний қиймати мураккаб моҳият сифатида турли бошқа умумийликлар синтези сифатида мавжуд бўлиши қонуниятини нукта назаридан текшириш учун намуна вазифасини ўтайди.

Тадқиқот натижасидан ўзбек тилишунослигининг морфология соҳаси бўйича дарслик ва қўланма тузишда, махсус курс ўқишда, шунингдек, академик грамматика яратишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари бугунги кунда олий ўқув юрти учун морфология курси бўйича ўқув қўланмасынинг грамматик маъно тури, морфологик категория талқини қисмига жорий этилмоқда. Шунингдек, ўзбек филологияси йўналиши бўйича тахсил олаётган бакалаврлар учун бевосита мавзу билан алоқадор махсус курслар ташкил этилган.

Ишнинг синовида ўтиши. Диссертация ва унинг автореферати Қарши давлат университети ўзбек тилишунослиги кафедрасининг 2005 йил 26 май куни ўтказилган мажлисида, ЎзР ФА Алишер Навоий номлидаги Тил ва адабиёт институтининг ҳозирги ўзбек тили, ўзбек тили тарихи ва диалектологияси, лексикология ва лексикотрофия, терминология бўлиmlарининг қўшма йиғилишида муҳокама қилиниб, хиймага тавсия этилган.

Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни республика илмий журналларида эълон қилинган мақолалар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг

нафакат бевосита, балки билвосита алоқада ҳам юзата чиқади¹. «ХГМ (хусусий грамматик маъно – Н.М.) кузатишимиз учун аён, шунга қўра, у аниқроқдек. Бирок диалектика маъхум ва аниқ тушунишни олдатиладан бошқачароқ талкин қилади»².

Бундай мисолни яна қўллаб келтириш мумкин. Демак, ўзбек тилишунослигида **моҳият** ва **умумийлик** категорияси муқобил термин сифатида ишлатилмоқда.

Маълумки, тилишуносликка доир тадқиқотларда ҳар қандай лисоний бирлиكنинг умумий маъноси икки босқичда очилиши таъкидланади³.

Лисоний бирлиكنинг моҳияти парадигмадаги бошқа лисоний бирлик умумий маъноси билан муносабатда очилади. Грамматик талкида келишик категориясининг УГМси сифатида «тобе исмини ҳоким исмга боғлаш ва турли субъект, объект, макон, замон, восита маъносини ифодалаш», эгалик категорияси УГМси сифатида эса «кейинги сўзни олдинги сўзга боғлаш, эгалик, қарашлик ифодалаш» берилади. Категориянинг синтактик табиатлиги ва маънонинг иккинчи қисмини ифодалашда унинг ёлғиз эмаслиги асосида ҳар иккала категория қиёсланар. Ўларо муносабатда текширилар экан, қиёсда «олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш (келишик)», «кейинги сўзни олдинги сўзга боғлаш (эгалик категорияси)» юзата чиқади. Бу белги умумийликлар муносабатида калкиб чиқувчи парча бўлиб, аслида у категориялар моҳиятидир.

Демак, маълум бўладики, барча лисоний бирликда бўлгани каби грамматик шаклда ҳам УГМ моҳият ва ундан ташқари жихатдан иборат бўлади. Тил УГМсидаги категориялар жихат моҳиятини ташкил этса, УГМнинг моҳиятга қирмайдиган қисми нокатегориал ҳодиса сифатида баҳолалиши лозим.

Ишнинг биринчи боби «Грамматик маъно таркиби. Категориял, ёндош ва ҳамроҳ маъно» деб аталади.

Тил ҳодисасини назарий ўрганиш босқичи морфологик ҳодисанинг чексиз нутқий маъноси замиридаги лисоний жихатини – умумий грамматик маъносини тиклашни кун тартибига қўйди. Чунки «тилишунослигимизда грамматик маъно, унинг табиати, моҳияти, умумий ва хусусий маъно муаммоси яқин вақтгача махсус қўйилмаган эди»⁴. ГШ (грамматик шакл) УГМси муаммосига жаҳон тилишунослигида 30-, туркийшуносликда 60-

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркских языков XI-XII вв. – Тошкент: Фан, 1989. – С. 5.

² Шахобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини ҳақида. Филол. фанлари номлиги дис. – автореф. – Самарқанд, 1993. – Б. 18.

³ Нурматов А., Шахобиддинова Ш. ва бошқ. Ўзбек тили назарий морфологиясининг асосий таъкидлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1998. – № 2. – Б. 9. Набиева Д. Ўзбек тили сатҳларида диалектик категорияларнинг номдори бўлиши (умумийлик ва хусусийлик асосида). Филол. фанлари д-ри дис. – автореф. – Тошкент, 2007. – Б. 11.

⁴ Шахобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини ҳақида. Филол. фанлари номлиги дис. – автореф. – Самарқанд, 1993. – Б. 3.

йиллардан бошлаб С.Н.Иванов, В.Г.Гузев, Х.Г.Неъматов, А.Нурмонов, Н.Махмудов, Г.Н.Зириллаев тадқиқотларида алоҳида эътибор қаратилди¹. Замонавий ўзбек тилишунослигида эса Ш.Шахобиддинова, Д.Набиева, З.Қолиров, Б.Бахриддинова, О.Шукуров тадқиқотларида бу масала атрафлича текширилди ва ўзбек тилининг барча морфологик категорияси лисон-нутқ бўлинишида таъкид этилди² ҳамда «УГМ тил бирлигининг минглаб турли хил матнларда юзата чиқадиган ва бевосита кузатишда берилган хусусий (нутқий) грамматик маъно (ХГМ)нинг умумий йилгидиси бўлиши, ХГМ негизида ётган, унга нисбатан диалектик умумийлик вазифасини ўтайдиган маъно»³ сифатида қайд этилди.

Морфологик категориянинг УГМси ўзига хос, серкирра ва бўлинувчан бўлиб, бу бўлинувчанлик ва серкирралик ГШ УГМсининг мураккаб табиатлигини кўрсатади. ГШ УГМсининг серкирралиги, аниқроғи, қамда икки қирраллиги улар ички ва ташқи муносабатининг ҳам мураккаблигига боғлиқ бўлади.

Лисоний ҳодиса серкирра экан, у қамда икки парадигмага мансуб бўлади. Тил ҳодисасига формал-функционал ёндашуving асосий тамойилидан бири ҳам ҳар бир лисоний бирлиكنинг қамда икки парадигмага мансублиги.

Лисоний бирлиكنинг серкирралиги унинг бир парадигмага кириши бошқа парадигма биланнинг қучиқлалишини келтириб чиқариши билан боғлиқ. Бошқача айтганда, «лисоний бирлик бир неча парадигмага қирар экан, ҳар бир парадигмага фақат бир қирраси билан қиради, бошқа қирраси эса шаклни ўзга парадигмага олиб қиради»⁴.

УГМ, демак, ҳам у, ҳам бу парадигмага қира олади, уни бир парадигма билан чеклаб бўлмайди. Шу билан бирга, бир вақтнинг ўзига бир парадигмага мансуб бўлади. Грамматик шакл УГМсини «бир шаклнинг иккинчи шаклга муносабати, яъни бир қатор зиддият асосида келтириб чиқариш уни беҳад жўнлаштириш бўлади, холбуки, парадигмастик

¹ Иванов С.Н. Категория залого в причастии узбекского языка. В книге «Исследования по истории культуры народов Востока» / Сборник в честь академика И.А.Орбели. – М.-Л., 1960. – С. 123-134. Гузев В.Г., Насилов Д.М. Словоизменительные категории в тюркских языках и понятие «грамматическая категория» // Советская тюркология. – 1981. – №3. – С. 23-35. Неъматов Х.Г. Фела, унинг форма ва категориялари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1972. – №1. – Б. 39-47. Нурматов А., Шахобиддинова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 164 б. Зириллаев Г.Н. Феланинг шакл, сон, ҳурағат категориялари системаси. – Тошкент: Фан, 1990. – 111 б.

² Набиева Д. Ўзбек тили сатҳларида диалектик категорияларнинг номдори бўлиши (умумийлик ва хусусийлик асосида). Филол. фанлари д-ри дис. – автореф. – Тошкент, 2007. – Б. 46. Шахобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳақида унинг ўзбек тили морфологиясида аёс. этиши. Филол. фанлари д-ри дис. – автореф. – Тошкент, 2001. – 50 б. Бахриддинова Б.М. Фела дугайи шакллари тизими. Феланинг тур категорияси. Филол. фанлари номлиги дис. – Самарқанд, 2002. – 150 б. Шукуров О. Ҳурағат турини шакллари парадигмалари. Филол. фанлари номлиги дис. – Самарқанд, 2005. – 126 б.

³ Шахобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини ҳақида. Филол. фанлари номлиги дис. – автореф. – Самарқанд, 1993. – Б. 21.

⁴ Курбанова М.М. Ҳақиқат аниқ ўзбек тили (Содага тил синтаксиси учун материаллар). – Тошкент: Ўзбекистон миллий ун-ти, 2002. – 102 б.

шакл(грамматик категория)нинг муносабати ранг-баранг».¹

ГШ УГМ таркибий қисмдан бири – категория УГМсининг моҳиятини жузийлаштириш бўлса, бошқаси унга ёндош, моҳият таркибига мансуб бўлмаган, бироқ у билан диалектик яхлитлик қасб этган маъно. Шунинг учун ГШ УГМни таҳлилда соф категория (ГШ мансуб категория моҳиятига мансуб) ва унга ёндош ҳодиса фарқланиши лозим.

Айрим тадқиқотларда шаклнинг категория моҳиятига ёндош ҳодисани нокатегориал маъно сифатида баҳолаш учрайдми.² Бунда ҳодисага бирқатла муносабат қўйга ташланади. Чунки нокатегориал маъно сифатида қаралган ҳодиса, айнан шу ҳодиса учун нокатегориал бўлса-да, уни мулқак нокатегориал деб бўлмайди. Масалан, замон шакллари УГМси таркибига УГМнинг категориял «мағзи» билан биргаликда, унга турли хил майл маъноси йўлдошлик қилади. Бу маъно замон маъносини ифодаловчи шакл учун нокатегориал бўлса-да, майл ифодаловчиси учун категориял, яъни майл шакли УГМсининг категориял «мағзи»ни ташкил этади. Шу бондан, УГМ таркибидати нокатегориал маънони ёндош маъно атамаси билан бериш ҳақиқатни маълум даражада ёрқинроқ ифодалайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, **категориал маъно** ва **ёндош маъно** терминлари биз томондан шартли равишда қўлланади. Чунки бир томондан ёндош бўлган маъно бошқа томондан категориял, бир томондан категориял ҳисобланувчи моҳият бошқа УГМ таркибига ёндошлик қасб этади. Шунинг учун УГМ таркибий қисмдан у ёки бу унеурни категориял ёки ёндош деб аташ мулқак шартли бўлиб, бу грамматик шакл УГМсининг иккиқатла табиатга эгалитига ишора қилади.

Грамматик категория(ГК)да категориял ва ёндош маъно сифатий ва микдорий ўзига хосликка ҳам эга. Маълумки, грамматик категория таснифда ҳам формал-функционал тахлил усулининг «лисоний бирлик серириралиги» омилга таънилади.³ Биз «нокатегориал маъно» қатъиятида ёндош маънонинг барчаси қайсидир категорияга мансублигини таъкидлашимиз. Ёндош маъно морфологик эмас, бошқа, дейлик, лексик, синтактик категорияга ҳам мансуб бўлади. Фақат категорияни умумийлик сифатида тор – сатхий эмас, балки кенг – лисоний моҳиятди мавжудлик сифатида қабул қилиш лозим. Чунки «категориал бўлмаган маъно мавжуд эмас».⁴

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркских языков XI-XII вв. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 4.

² Шахобидинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳақда унинг ўзбек тили морфологиясида ас этиши. Филал филолри йери. – дис. автореф. – Тошкент, 2001. – 50 б.

³ Махсумов И. Ўзбек тилида сўзнинг серириралиги ва уни таснифлаш асослари. Филал филолри йери. – дис. автореф. – Тошкент, 1994. – 25 б. Шахобидинова Ш. Сомативно-синтаксическая группа глаголов в узбекском языке. Дис. докт. филол. наук. – Тбилиси, 1987. – Б. 45. Шахобидинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси тизимида. I қисм. – Ақсар: нашрият, 1994. – 98 б.

⁴ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркских языков XI-XII вв. – Тошкент: Фан, 1989. – 191с.

Иккинчидан, грамматик категориянинг содда-мураккаблигини УГМ табиатидан келиб чиқиб белгиламоқ лозим. Уни «нокатегориал» маънога хос ГШ мавжудлиги асосида қилириш бир ҳодисани бошқа ҳодиса асосида белгилашдан ўзга нарса эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ГК ҳамиша серирира ва унинг УГМси ҳам мураккаб тузилишта эга. Фақат ўзига хос маънодангина ташкил тогган категория УГМси мавжуд эмас. Категорияда ёндош маъно борлигининг ўзбек уни соф, содда категория дейишга йўл қўймайди. Демак, бутун моҳият эътибори билан фақат битта категорияга мансуб категория шакли йўқ экан, ГКнинг содда-мураккаблигини бу йўл билан белгилаш лисоний ҳолатни объектив баҳолашга тўсик бўлади ва унда содда категориянинг ўзи бўлмайди.

Кесимлик категориясини мураккаб категория сифатида қараш мумкин. Чунки унинг ҳар бир ташкил этувчиси мустақил ГК: шахс-сон, замон, майл, тасдик-инкор. Бу категориялар ўзида нисбий қарама-қаршиликни муҳасамлаштириди. Яъни уларнинг ҳар бири кесимлик категориясига нисбатан шакл, кесимликдан ташқарида алоҳида категория. Бошқа категорияда эса бундай ҳолат қуатилмайди. Бу категория мураккаблигининг яна бир жиҳати шундаки, содда категорияда ГК ва ГШ орасида умумийлик-хусусийлик диалектикаси ҳукмрон бўлса, кесимлик категорияси ва уни ташкил этувчилари орасида бутун-бўлак муносабати мавжуд. Бутун-бўлак муносабати эса мангикан мураккаблигининг асоси.

Демак, ўзбек тили грамматик категорияларини УГМси таркибий қисмининг ўзаро муносабати ва табиатига қўра иккига бўлиш мумкин:

а) УГМ таркибий қисми ўзаро категорияллик ва ёндошлик табиатига эга бўлган категория (келишик, сон, нисбат, майл, замон, бўлишли-бўлишсизлик);

б) УГМ таркибий қисмлари ўзаро ёндошлик табиатига эга бўлган категориялар (ўзгаловчи, кесимлик).

ГШ УГМдаги ёндош маънони таснифлашда микдори ва қандай сатҳ категориясига мансублигидан келиб чиқиб лозим бўлади: морфологик ёндош маъно, лексик ёндош маъно, синтактик ёндош маъно, услубий ёндош маъно қаби.

Категориал ва ёндош маъно муносабатидаги яна бир нисбий ҳолатни алоҳида таъкидлаш лозим. Категориял маъно грамматик шаклда хусусийлашган ГКнинг субстанциал моҳияти бўлиб, ёндош маъно қанчалик қулаймасини ва сусаймасин, барибир категориял моҳиятини тўла-тўқис йўқотмайди. Масалан, «*лар*» шакли ўзида сон категориясининг «*микдор*» ва «*сифат*» категориял маъносини айрим ҳолда ўзига хос тарзда жузийлаштирилади: 1. *Тилларига қўчалмайди бўғлидаги овозли*, (У.Азимов) 2. *Доимлар келолар*. Гапларнинг биринчисидати сон категорияси шаклини олган (*тиллари*га) сўзшаклида бу шакл маъно

кучайтириш вазифасини бажарган бўлса, иккинчи гапдаги (*оадамлар*) сўзшаклида «хурмат» маъноси ифодаланган. «Кучайтириш» ва «хурмат» ушбу ҳолатда *-лар* шакли субстанциал табиатига мувофиқ бўлмаган нокатегориал маъно. *-лар* шаклининг категориал маъноси «ўзлик» бўлиб, бу вазиятда у бевосита зоҳир бўлмаган ва ноль даражага тушгандек тасаввур уюлган. Аммо категориал маънонинг хатто ушбу ҳолатга ҳам сакланиб қолганлиги ҳақидаги илмий далилни А.Нурмонов, Ш.Шахобиддинова ва бошқалар фикридан билиб оламиз.¹ Буни *-лар* шаклининг «хурмат» маъносини ифодалаган ҳолатига ҳам далил сифатида қўллаш мумкин бўлади.

ГШнинг категориал ва ёндош маъносини чегаралашда ГКнинг маълум сўз туркумига ёки гап бўлагига ҳосилга юзасидан таснифи муҳим аҳамият касб этади.

Туркийшуносликда ГК биринчилардан бўлиб тилшунос Х.Нёматов томонидан туркий тил ёлгорликлари мисолида: маълум бир гап бўлагига ҳос, яъни гап бўлагини, синтактик қурилмада тобе ёки ҳоким узвини шакллантирувчи (келиш, эгалик, кесимлик) ҳамда маълум бир туркумагагина ҳос (сон, нисбат, функционал шакллар) категория сифатида ажратилди.² Бу эса жаҳон тилшунослигида грамматик шаклни лексик ва синтактик турга ажратиб гоёсининг ривожлантирилган кўриниши.³ Ўзбек тилшунослигида бу дастлаб унвалик оммавийлик касб этмади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълим тизимида туб ислохот бошланди. 1999 йил 16 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «УТ ДТСларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 390-қарори билан 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб «она тили» курси бўйича янги, индуктив мазмунли дастур таълим тизимига жорий этилди. Дастур асосида яратилган «Она тили» дарслиги аввалги дарсликлардан тубдан фарқ қилиб, таълим мазмунини она тили дарслигини онтологик қурилишини ўзига акс эттирди. Янгиланган она тили дарслигида морфологик шаклни лугавий, синтактик шакл ҳосил қилувчи сифатида таснифлашда яққол кўзга ташланган.

ГК УГМсидаги ёндош маъно табиати, асос ва илдири асосида фарқланади. Айтилганидек, ёндош маъно – ГК УГМсидаги бошқа ҳодиса воқеаланиши. Бу ҳодисалар эса турли сатҳга мансуб бўлади. Шу асосда ёндош маънони морфологик, лексик, синтактик турга ажратиб мумкин. Сатҳлараро алоқанинг бу ўзига ҳос янги кўриниши ва у махсус тадқиқ қилиниши лозим.

Морфологик ёндош маънонинг асоси бошқа бир морфологик категория бўлади. Қуйидаги гапларда ажратилган сўзлардаги морфологик шаклларда ёндош маънолар воқеаланишлари диққат қиламиз: *1. Шу пайт чорбоғдан эски етиклаб Динбар кириб келди. (С.Ахмад) (етиклаб - тарз)*

¹ Қаранг: Нурмонов А., Шахобиддинова Ш. ва бошқ. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Янги аср авфони, 2001. – 104 б.

² Нигматов Х.Г. Функционализм морфология тавриятининг таъминоти XI-XII а. – Тошкент: Ид. Фан, 1989. – 191 с.

³ Мешининов Н.И. Общее языкознание. – Л.: Училишко, 1940. – 260 с.; Яна қаранг: Мешининов Б.Р. Лексик тизим қилинган сатҳлараро муносабатлар. Филол. филол. д-ри ... дис. – Тошкент, 2002. – 248 б.

2. *Муяссар шоша-пиша унга кечаси ўйлаган ўйларини гапга бошлаган эди... (О.Ёкубов) (шоша-пиша-тарз) 3. Ўзгусм ота Барнони бир кўрай деб бухгалтерига қирди. (О. Ёкубов) (қирди-майл) 4. Қарол ва мардикорлар тиз чукки, қўлларини қовуштириб ўтиришди. Гира-шира тоғ ёришиб келадиган эди. (А.Қаҳҳор) (келадиган-тарз) 5. Бир қамтир Эмүрдоғга ўзининг дунтиси билан қўйлақ ва қамзулини қийғизди. (П.Турсун) (қийғизди - майл.)*

Гаплардаги феъл сўзшаклини кузатамиз. Биринчи гапдаги *етиклаб* сўзшаклидаги *-б* кўрсаткичи *-иб* инвариант равишдош шаклининг нутқий кўриниши бўлиб, бунда ўзгусмнинг категория УГМсига мансуб «феълни феълга боғлаш» субстанциал моҳиятини феълга «иш-ҳаракат тарзини ифодалаш» маъносини бериш билан бирга воқеалантирган. «Харакат тарзи» маъно бўлакчаси феъл ҳаракат тарзи категориасининг ўзгусмнинг категориаси шаклида юзга чиқаётган категориал маъно билан ахлитлик касб этган. 2-гаплдаги *шоша-пиша* сўзшаклида ҳам «тарз» морфологик ёндош маъноси воқеалантирган. 3-гаплдаги *қирди* сўзшаклида «замон» УГМси билан бирга иккун майли кўриниши ҳам юзга чиққан. Ёни, аксинча, майл категориаси УГМси воқеаланиши «ўтган замон» ёндош маъноси воқеаланишини тақозо этган. Маълумки, «ўтган замон давом феъл» УГМ парчаси «*-ётган эди*» шаклига омикталаниб, у «давом» маъно бўлакчаси «замон» УГМси кўриниши учун ёндош маъно. Бунда энди замон ва майл категориаларидаги каби муносабат қуяллади. Чунки «тарз» ёндош маъноси ҳаракат тарзи категориасиданга категориаллик касб этади. Бундай морфологик ёндош маъноларга ўзгусмнинг категориасидagi модаллик, ҳусусан, унинг ҳаракат номи шаклидаги бўлиши-бўлишсизлик, сифатдош ва ҳаракат номидаги замон, кесимликдаги ёндош маънони, этиликдаги шахс-сон каби ёндош маънони киритиш мумкин.

Шу ўринда бир ҳодисани алоҳида таъкидлаш лозим. Маълум бир морфологик шакл ўзи мансуб категория УГМсининг муайян парчасини, кўринишини воқеалантиришга хосланган бўлади. Масалан, биргалик нисбат шакли нисбат категориаси УГМсини «иш-ҳаракат бажарувчисининг биргаллиги» тарзида хусусийлаштиради. Бирок, шу билан биргалликда, ўзига аник нисбат учун хосланган «бажарувчи аниклиги» маъносини ҳам юзга чиқаради. Бошқача айтганда, «биргаллик» «аниклик» билан ахлитлик касб этади. Бирок «биргаллик» ҳамиша бу шаклда «аниклик»ка нисбатан устувор ва «биргаллик» асосий категориал ва «аниклик» ёндош маъно сифатида юзга хос тарзда жуъйлаштиришга ихтисослашган бўлиб, бир вақтнинг ўзига бошқа шакл учун хос маънони ҳам ифодалаши мумкин. Буни шартли равишда асосий категориал маъно ва ёндош маъно дейиш мумкин.

Лексик асосли ёндош маъно – айрим лексема ёки лексемалар гуруҳларига ҳос умумий категориал (нокатегориал) маънонинг морфологик шакл УГМсидаги акси. Масалан, нисбат категориаси шаклидаги ўтимили-ўтимилисизлик ёндош маъноси, шундай ҳодисалардан бири. Ўтимили-ўтимилисизлик субстанциал табиати ҳақида илмий манбалардан қуйидагини билиш мумкин. Маълумки, феълда ўтимили-ўтимилисизлик нисбат категориаси билан зич боғланганлиги, нисбат категориасининг ўтимили-ўтимилисизликка

таъсири, бу ҳолатларнинг диалектик бирликда мавжудлиги деярли барча тилишунослар томонидан таъкидланади. Бироқ қарашлар, билдирилган фикрлар бир-биридан кескин фарқланади.¹ Олимлар ўтими-ўтимсизлик феъл ҳодисаси эканлиги ва нисбатни ҳам қамраб олишни таъкидлашди.² Лекин айримлар унинг феъл категорияси³, баянлар категория эмаслиги ҳақида гапирдилар.⁴

Эгалик категориясидаги паритив-қарашлик, сон категориясидаги бўлинувчанлик-бўлимаслик, ўзгалоичи категориясидаги равишлик, сифатлик каби ёндош маъно ҳам лексин илдизга эга.

Синтактик ёндош маъно грамматик шаклнинг субстанциал моҳияти билан бирга келиб, сўз шаклининг бирикувчанлик имкониятига тасвир кўрсатади. Ортгирма нисбат шакли (*кўйилди*) нисбат категориясига хос «иш-ҳаракатнинг субъекта муносабати» УГМсини «феъл бирикувчанлигини белгилаш» ёндош маъноси билан юзага чиқарган. Феъл валентлигининг феълга тобеланувчини белгилаши – ҳоким сўзнинг тобета муносабати. Ҳокимнинг тобета муносабати эса «кейинги сўзни олдинги сўзга боғлаш» категориял моҳияти билан уйғун.

Эгалик категориясидаги унинг субстанциал моҳиятига хос бўлмаган «олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш» ёндош маъноси, нисбат категориясининг феъл бирикувчанлик имкониятини ўзгартариши, кесимлик категориясидаги шахс-соннинг кесими эга билан мувофиқлаштириши каби ёндош маъно – синтактик субстанциалнинг морфологиядаги акси.

Қориник асосли ёндош маъно. Маълумки, айрим морфологик шакл ёндош маъно сифатида модал маънони ҳам ташйиди. Масалан, эгалик шаклларидаги «сизлаш», «сенсираш», қўплик шаклидаги «ҳурмат», «кесатил», «менсимаслик» каби маънолар шулар жумласидан. Маълумки, модал маъно ижтимоий омил билан зич боғланган бўлиб, тилимизда бу маънони ифодаловчи воситалар турли сатҳларга мансуб. Хусусан, Ғ.Зириллаев «хурмат» маъносини ифодалаш учун уч хил – морфологик (*-сиз, -сизлар, -иш, -ишлар, -ларингиз, -(ил), -(иллар, -йилгиз, -(ил)гиллар*), лугавий (*сиз, сизлар, ўзингиз, ўларингиз*), синтактик (*Қарим ака, Аҳмад амаки, Ҳайдар ота, хурматли меҳмон, муҳтарам устоз*) усуллар қўлланишини айтади.

Модал маъно – эгалик шаклининг айрими учун ёндош маъно. Масалан, «хурмат» – модал маъноли II шахс қўплик шакли учун «сенсираш» доимий

¹ Ахмедова М. Ўзбек тилидаги феълларда нисбат категорияси. – Тошкент: Фан, 1992. – 142 б.; Мирзаев Г.И. Категория переходных глаголов в современном перифразическом языке: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Якут, 1986. – 48 с.; Тоқиев Е. Феълдаги ўтими-ўтимсизлик шакли // Ўзбек тилишунослигининг агул масалалари. ТошДУ илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1987. – Б. 37.

² Қоннов А.Н. Грамматика советского узбекского литературного языка. – М.-Л., 1966. – 182 с.; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. – Тошкент: Фан, 1989. – С.83; Раҳматуллаев Ш. Феъл фразеологияси биринчи даражада объект категорияси. // ТошДУ илмий ишлари тўплами. 268-сон. – Тошкент, 1964. – 159 б.

³ Гуломов А. Феъл. Холгирги ўзбек адабий тили курсидан материаллар. – Тошкент: ЎзбССР ФА нашрияти, 1954. – Б. 4; Фердаус С. Феъл // Холгирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1966. – 266 б.

⁴ Холмев А.П. Феъл. – Тошкент: Фан, 1973. – 582.

⁵ Зириллаев Г.И. Феълнинг шакл, сон, хурмат категориялари системаси. – Тошкент: Фан, 1990. – 111 б.

ёндош маъно. Лекин I ва II шахс қўплик шакли учун «хурмат» ифодалаш мунтазам эмас.

Модал маъно эгалик категориясининг айрим шакли учун ёндош бўлиб, ўзининг асос грамматик категориясига эга эмас. Бироқ, ўзбек тилида «хурмат» функционал семантик майдони борлигини рад этиб бўлмайди.¹

Демак, асоси муайян бир грамматик категория ёки маълум бир сатҳагига хос бўлмаган ёндош маънони қориник асосли ёндош маъно сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, нуткий парчадаги субстанциал жиҳатларини ажратиб тамойили асосида иш юритиб грамматик шаклдаги категориял ва нокатегориял маънони фарқлаш, нутқдаги қориник нуткий ҳодиса таъсирида туғилган «адамчи» тасаввурдан узилиш имконини беради.

Қўринадики, ГШ, ўз УГМсига мансуб категориял ва ёндош маънолардан ташқари, икки хил маънони нутқда воқеалантиради: 1) бирга қўлланаётган бирлик таъсирида ҳосил бўлаётган маъно; 2) ўзига хос бўлмаган, аммо бирга қўлланаётган йўлдош бирлигининг таъсирида ҳам вужудга келмаган маъно. Бу маъноларни **хамроҳ маъно** атамаси билан номлашни маъқул кўрдик. Тилишуносликда хамроҳ маъно атамаси қўлланган бўлиб, у қўл холларда ГШнинг «нокатегориял» маъносини атамасига муқобил равишда ишлатилган.²

Хамроҳ маъно, аввало, нуткий бўлиб, эмпирик ёндашууда у ўзига хос бўлмаган шаклига хос килиб қўйилган ва шу боисдан, бу босқичда грамматик шаклнинг маъноси беҳал «қўйилтириб» юборилган. Бир қарашда маълум бир шаклга хос туюлган, аслида бошқа моҳиятта мансуб бўлган бундай нуткий ҳодиса грамматик иллюзия (алдаш)ни вужудга келтиради.

Ёндош ва хамроҳ маъно муносабатини қўйидагича бериш мумкин: лисоний – нуткий, барқарор – ўткинчи, УГМга дахлдор – УГМга дахлсиз, ижтимоий – индивидуал.

Бир шакл учун ёндош бўлган маъно турли бошқа ҳодиса учун хамроҳ, бир шакл учун хамроҳ бўлган маъно бошқаси учун ёндош маъно сифатида юзага чиқishi мумкин. Масалан, «хурмат» маъноси II шахс қўплик эгалик шакли учун, «сенсираш» маъноси эса II шахс бирлик шакли учун ёндош маъно бўлса, «хурмат» маъносини сон категориясининг *-лар* шакли, эгалик категориясининг II шахс қўплик шакли учун хамроҳ маъно ҳисобланади.

Ёндош маънога нисбатан хамроҳ маъно нуткий ифтихос бўлганлиги туфайли, беҳал ранг-баранглиги ва зиддиятчилиги билан ажралиб туради.

Хамроҳ маъно ҳам ёндош маъно каби ўз илдизи ва асосига кўра фарқланади. Чунки у ҳам, айтилганидек, грамматик шакл учун ўзга ҳодиса. Ўзга ҳодиса эса, маълумки, шакл УГМсига хос бўлган ҳар қандай лисоний, қолаверса, нолисоний мавжудлик. Хамроҳ маънони, ёндош маънода бўлгани

¹ Холмев А. Ўзбек тилида хурмат маъноли ва унинг лисоний нуткий хусусиятлари. Филол. фанлари номлари. дис. – Самарқанд, 2001. – 122 б.

² Нуровна А. Шайхбаддинова III ва бошқ. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Янги аср алоҳиди, 2001. – 5, 104.

каби, морфологик, лугавий, синтактик, услубий ҳамда коришк асосли турга ажратишни маъкул кўрдик.

Морфологик ҳамроҳ маъно орасида яна фарқловчи чизик ўтказиш мумкин. ГШдаги айрим ҳамроҳ маъно морфологик категория доирасида бўлса, айрими ГШ мансуб ГГга хос бўлади. Бу маъно ГГ УГМенга мансуб бўлса-да, лексин у бунини ифодалаганга ҳосланмаган, нутк вазиятидан келиб чиқиб, баъзан бу маънавийнинг ўз зиммасига олишни мумкин. Қиссалар:

1. *Ақллари борми? -ўқасига истеҳзоли қуладн Салим.*
2. *У қилининг фикрлари билга маъқул.*

Биринчи гапда *ақллари* суъшаклидаги *-лари* эгаллик шаклидан «кесатиш» маъноси ҳам (аслида ақлинг), шунингдек, шаклдан II шахс, бирлик маъноси ҳам англатилимоқда. «Кесатиш», умуман, эгаллик категорияси УГМенга дахлдор эмас. Лексин «I шахс бирлик» категориянинг *-и/ис* шаклига хос категория маъно бўлиб, *-лари* шакли бу маънони ифодалаш учун ҳосланмаган ва унга вақтинча «ёпишган» ҳодиса ҳисобланади. Унинг бундай хусусиятга эгаллиги ушбу «ноқулай» ифодаловчи билан нуткка чиқши учун зарур нуткий шаронт, боғлиқ қуришов талаб қилётганлиги билан ҳам белгиланади. Зеро, гапдан «ўқасига истеҳзоли қуладн Салим» муаллиф гапи олиб ташланса, *-лари* шаклидан англатилиётган ушбу ҳамроҳ маъно уқилмай қолади.

Сон категорияси [6] шакли орқали ифодаланганидан «биргалик» (нисбат УГМенга хос) ўзгалоғчи категориясидаги «тарз-тус» (харакат тарзи), «таасдик – инкор» (кесимлик категорияси), «замон» (замон категорияси), замондаги «истак», «шарт» маънолари умуман бошқа морфологик категорияга хос ҳамроҳ маъно ҳисобланади.

Лексин ҳамроҳ маънонинг субстанциясинини, илдинини лексин сатҳдан кидириш лозим. Лексин ҳамроҳ маънони маълум бир муайян лексема семемасининг грамматик маъно сифатида жуъйлашувни сифатида қараш маъқул эмас. Улар маълум бир лексин гуруҳ, яъни суъ туркуми умумий маъносига хос нуткий маъно ҳисобланади.

Сон категориясининг *-лар* кўплик шакли, айрим ҳолда предметнинг ноаник кўплигини ифодалаш билан биргаликда, уларнинг хилма-хиллиги, турли-туманлиги маъносини ҳам билдиради. Ўзбек тилида бу маъно – хар хил бирликдан *турли, турли-туман, хилма-хил, ранг-баранг, турфа* каби лексин бирликдан иборат лугавий-маъновий гуруҳнинг умумий архисемаси. Шу бонсдан, *-лар* кўплик шаклидаги мазкур ҳамроҳ маънони лексин мохиятининг сон категорияси воқеаланишидаги акси дейишга асос етарли.

Келишиш шаклидаги «сабаб», «мақсад», «киёс», «белги», «стенглик», сон категорияси шаклидаги хос «жуфтлик», «қуришов», нисбат шаклидаги «ғалам-ғал бажариш», «ўрин-жой алмаштириш» маънолари ана шулар сирасига мансуб.

Коришк асосли ҳамроҳ маънонинг илдинини бир сатҳдан кидириб бўлмайди. Масалан, сон категориясидаги «аниклик», «шахс», «тахмин», «хурмат», нисбат шаклидаги «ўхшатиш» майл категориясидаги «истак» каби

маъно бир сатҳгагина мансуб асосга эга бўлмасдан, уларни барча сатҳда ўз бирлиги мавжуд функционал-семантик майдондан излаш лозим бўлади.

Ишнинг иккинчи боби «**Замон категорияси умумий маъносининг таркиби**» деб номланади.

Замон ва майл категорияси шахс-сон ва тасдик-инкор категорияси билан бир бутунлиқда кесимлик категориясинини ташкил этади. Бу категорияларнинг узаро зич алоқдорлиги ва диалектик яхлитлиги бу категориянинг хар бирига мансуб шаклин, уларнинг категория ва нокатегория маъносини изчил фарқлашни кийинлаштиради. Шу бонсдан кўлаб тасдиқотларда замон шакли майл категорияси маъносидан бўлимаган ҳолда тасдик этилади ва категориялараро боғлиқлик барча тилишунослар томонидан тан олинади.

Ўзбек тилида, бошқа туркий тилларда бўлгани каби, замон ва майл маъносининг алоқдорлиги ўта кучли бўлиб, бунини тилимининг ўзига хос хусусиятидан бири сифатида баҳолаш мумкин. Шу бонсдан айрим тилишунослар бу категорияларнинг бир-бири билан зич алоқдорлигини таскиллеса,¹ айрими уни акралмас бутунлик сифатида қараш лозимлиги тарафлори.²

Замон категориясида шаклнинг ўринини белгилашда «замон» маъноси категориялар бўлиб, «тарз», «майл» маъноси нокатегориялар, яъни «майл» маъноси ёндosh, «тарз» маъноси ҳамроҳ маъно ҳисобланади. Замон шаклида юзга чиккан майл маъноси тизимида замон маъноси иккинчи даражали аҳамият касб этиб, майл маъноси буртгади. «Тарз» маъноси бунда ҳам ҳамроҳ маънолигича қолаваради.

Замон ва майл маъноси шу даражада зич боғланганлигини, аксар ҳолда майлнинг маъновий хусусиятини замонсиз, замон маъносинини майл маъносидан ажратиб талкин қилиб бўлмаслигини таскиллаш лозим. Бу эса уларнинг мутлақо номустаклигидан далолат бермайди. Айрим тилишунослар «муайян замон шаклини тавсифлашда «тарз-тус», «майл» ва бошқа замондан ташқари маъно оттенкаси қайд қилинганда, замон шаклининг бу маъно оттенкаси асосидаги системавий алоқаси тикланмайди, зеро, улар замон категориясидан ташқарида тураси» деган фикр тарафлори.

Таскиллаш лозимки, категория УГМси категориялар ва ёндosh маъно яхлитлиги экан, демек, уларни категория ичиндаги ва категория УГМендан

¹ Виноградов В. В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. 2-е изд. М.: Высшая школа, 1972. 614 с.; Жураев Р. Ўзбек тилида феъл замонлари // Совет мактаби. - 1953. - № 3. - Б. 16-19; Жураев Ж. Феъл замонлари классификациясидаги дорр // Ўзбек тили ва адабиети. - 1965. - № 2; Ишанов С. Н. Русское слово и категория Абдул-Ган-Хан. Грамматический очерк. Имя и глагол. - Тошкент: Фан, 1969-201 с.; Косинова А. А. Категория времени в современном узбекском языке. - М.: 1963-95 с.; Муҳаммадиева Ж. Феъл замон маъносининг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиети масаллари. - 1953. - № 3; Сидов П. Феъл замон маъносининг ифодаланиши // Совет мактаби. - 1969. - № 8. - Б. 76-78.; Сувои Н. П. Введение в теоретическое языкознание. WWW.IPS.ru; Хураев Т. Ўзбек тилида феъл ва майл, замон ва майл мисоллари // СамДУ асарлари. Янги серия, 124-чи қисм. - Самарқанд, 1963. - 124 б.

² Нигматов Х. Г. Функциональная морфология торжественных памятников XI-XII вв. - Тошкент: Фан, 1989. - 191 с.

³ Нурмонов А. Шахобуддинов III ва бошқ. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. - Тошкент: Янги вер асоси, 2001. - 164 б.

ташқаридаги маъно сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас.

Масълумки, баъзан бир шаклнинг ўзи гоҳ замон, гоҳ майл ифодаловчиси сифатида қаралади. Чунки, Ш.Шахобиддинова

таъкидлаганидек, замон категорияси иш-ҳаракатнинг нутк моментига, майл эса иш-ҳаракатнинг борликка муносабатини ифодалайди. Замон категорияси иш-ҳаракатнинг нутк моментига муносабатини ифодалаб, ўтган (нутк моментидан олдин), ҳозирги (нутк моментидан) ва келаси замон (нутк моментидан кейин)ни ифодаласа, майл «иш-ҳаракатнинг борликка муносабати, реал ёки ирреаллигини кўрсатади».

Замон категориясининг бошқа категория билан зич алоқиси шунда кўринадики, баъзан бирдан ортик шакл ўз субстанциал моҳиятига кўра кўшимча қуршов муносабатида бўлади. Масалан, *Мен эртгага ўқийман* ва *Мен эртгага ўқимокчиман* гапларида *-й* ва *-моқчи* шакли замон ифодалаш нуктаи назаридан фарқланмайди, бироқ майл маъноси асосида улар зиддиятда. Категориял тизимда улар бир маънони ифодаловчи вариант шакл ҳисобланади, бироқ, майл асосида кескин фарқланади. Демак, *-й* ва *-моқчи* шакли замон ифодалаш жиҳатидан тўлиқ мустакил эмас (ассоциоллар), майл ифодалаш жиҳатидан эса тамоман мустакилликка эга.

Замон категорияси ички бўлинишининг фарқланувчи ҳамда категориянинг бошқа категория билан «қоршувини» чегаралашда «нутк моментини» тушуниши мумкин роль ўйнайди.

Ўтган замон шакли сифатида кўпчилик тилишунослар томонидан тан олинган, фан ва таълим мазмунида оммалашган *-ди, -ган, -ибди, -ган+ди, эди, -ибди, -ибди, экан, эмиш* шаклини қабул қилдик.

Ўтган замон шакли «иш-ҳаракатнинг нутк моментидан аввал содир бўлиши» категориял ва «иш-ҳаракатнинг реаллиги» ёндаш маъносидан иборат УГМга эга. Бу иккала белги барча шаклда мавжуд бўлиб, ҳар бирда ўзига хос тарзда жузъийлашади.

Тарз категориясининг «давомийлик-давомсизлик» маъноси айрим ўтган замон шакли (мас. *-арди*)да ёндаш маъно сифатида юзага чиқса, бошқасида ҳамроҳ маъно бўлиб воқеъланади. Ҳатто *-арди* шаклида қуршов натижасида «ўтган замон» категориял маъноси ҳам, «давомийлик» ёндаш маъноси ҳам кучсизланиб, ҳамроҳ маъно уларни сиқиб чиқариши билан бирга, бўш ўринни эгаллайди ва вақтинча, нуткий «хукмронликка» эга бўлади: *Г.Салим келса эди, мен парвардим*. 2. *Укам ўқиса эди, тушарди*.

Демак, *-са* шарт майли шакли *-арди* кўшимчасида категориял ва ёндаш маънони суъсайтирувчи ҳамда ҳамроҳ маънони кучайтирувчи восита ҳисобланади.

Ҳозирги замон феъл шакли маъно ва кўлланишида ўзига хосликка эга. У категориял ва ёндаш маъно силсиласига кўра фарқланмайди. Айрим услубий фарқ, кўлланишдаги ўзига хослик ҳамроҳ маъно сифатида юзага чиқади. «Услубий хосланмаганлик» зиддият белгиси асосида бу шакллар

¹ Нурмонов А., Шахобиддинова Ш. ва бошқ. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – б. 19.

ўзаро қаршиланиб, ҳамроҳ маънога *-ди* шакли ижобий муносабатда бўлса, бошқа шакллар (*-ётди, -ётдиб, -моқди, -моқдиб*) ҳаракат тарзи шакллари асосида) услубий хосланганлиги билан характерланади. «Сўзлашув услубига хос» ҳамроҳ маънони ҳаракат тарзи воситаси билан хосил қилинган ҳозирги замон шаклига хос бўлиб¹, *-ётдиб* диалектал, *-ётди* бадий, *-моқди* китобий (бадий, илмий, расмий, публицистик) услубларга хосланганлиги билан ахамиятли. Бу маънонинг барчаси шакл УГМга хос бўлмай, категориял ва ёндаш маъно устида қаватланиган ҳамроҳ маънодир.

Ишнинг учинчи боби «Майл категорияси умумий маъносининг таркиби» деб номланади.

Майл категорияси умумий грамматик маъноси «бажарувчининг иш-ҳаракатга мойиллиги» бўлиб, бу умумий маъно майлнинг турларида «мақсад», «шарт», «бўйруқ», «истак» тарзида хуусийлашади. Ҳар қандай майлда бу маънолардан бири бўлиши шарт. Бироқ буларнинг бирортаси замон маъносиз юзага чиқмайди. Бошқача айтганда, замон маъноси майлни юзага чиқарувчи «ерлик» вазифини ўтайди. Бундай такозо қилувчилик даражаси диалектик яхлитлик мақомиди. Бу замон маъносининг майл маъносига ёндаш маъно сифатида яшашини кўрсатади. Шу бонсдан тилишуносларда кўпинча бу иккала категорияни бирлаштириб, майл-замон категорияси деб аташ ҳоллари учраб туради.

Аниқлик майли майл категорияси УГМсини «иш-ҳаракатнинг реаллиги-ирреаллиги» кўринишида хуусийлаштирилади ва майлнинг ирреал (амалга ошири маҳол бўлган)лигини ифодаловчи бошқа шаклига қарама-қарши туради. Бу категориял маъно ўтган, ҳозирги, келаси замон ёндаш маъносига эга бўлиб, нисбий замон майл учун ҳамроҳ маъно мақомига эга.

«Иш-ҳаракатнинг реаллиги» категориял маъноси «ўтган ва ҳозирги замон» ёндаш маъноси асосида юзага чиқади. Ўз ўрнида бу категориял маъно бошқа ёндаш маъно («иш-ҳаракатнинг тугалланмаганлиги») асосида тармоқланиб, тармоқнинг биринчи қисми ўтган ва иккинчи қисми ҳозирги замон ёндаш маъноси билан бирга келади.

«Иш-ҳаракатнинг реаллиги» категориял маъноси ҳозирги-келаси замон шаклида «доимийлик» (тарз) ёндаш маъноси билан ҳам юзага чиқади: *Ер қуёш атрофида айланади*. Бунда, албатта, имперфектлик маъноси ҳам ёндаш маъно даражасига кўтарилади.

Шарт майли шаклидаги феълда майл категорияси моҳияти «ҳаракат бажарилишининг бошқа бир ҳаракатга боғлиқлиги» тарзида хуусийлашади ва бу «иш-ҳаракатнинг воқеъланмаганлиги» тарзида хуусийлашади → иш ҳаракатнинг ирреаллиги → шарт кўринишида бўлади. Хуусийлашган субстанциал маънога «нисбий ўтган замон» ёндаш маъноси ҳамкорлик қилади. Чунки шарт майлидаги иш-ҳаракат унга боғлиқ кейинги феъл иш-ҳаракатидан олдин бажарилиши лозим. Шунинг учун «шарт» категориял маъноси, албатта, «нисбий ўтган замон» ёндаш маъноси билан бир вақтда юзага чиқади.

¹ Шуруров О. Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси: Филол. фанлари номлари ... дис. – Самарқанд, 2005. – 126 б.

Буйрук-истак майлида майл категорияси УГМси «иш-ҳаракатнинг воқеликка муносабати—ирреаллик—буйрук—истак» тарзида хусусийлашади ва унга «келаси замон» ёндош маъноси ҳамкорлик қилади. Майлининг бошқа ёндош маъно сифатида мавжуд бўлади. Чунки бунда ҳаракат билан субъект орасидаги муносабат ҳам бўлиб туради ва кўпроқ биринчи шахс истак, иккинчи шахсда буйрук, учинчи шахсда ундош ифодаланади. Демак, «ушбу майлининг модал маънолари шахс билан узвий боғланган. Туб шакл II шахс билан боғлиқлиги»¹ буни яққол ифода қилади.

Максад майли —моқчи шакли воситасида ифодаланади. Максад майлида категория субстанциал моҳияти «иш-ҳаракатнинг воқеликка муносабати → ирреаллик → максад» кўринишда хусусийлашади. Талкиотларда айтилишича, феълининг бу формаси фақат максад, мўлжал маъносини билдиради, унинг замон маъносига дахли йўқ. —моқчи аффикси билан ясовчи форма замон маъносига эга бўлган бирорта восита билан қўлланмаганда, у билдирган максад, мўлжал ҳозирга (ҳозирги вақтга) оид бўлиши таъкидланади.

Умуман олганда, матн талаби, қуршов ва ҳамроҳ маъно, шунингдек, қуршовчи воситанинг ҳам нутқий маъно асосида турлича хусусият касб этиши бошқа категорияда бўлгани каби майл турларида ҳам ҳамроҳ маънонинг ҳар хил кўринишда юзга чиқишини белгилайди. Бу эса, ўз-равшидан, ҳамроҳ маънонинг нечоғлиқ бекорар ва ўтқинчи, бунга мувофиқ равишда, микдоран чексизлигини кўрсатади.

Нутқ жараёнида бу иккала ўзаро категориялар—ёндошлик ёки ёндош-категориаллик муносабатидати маънога турли-туман нутқий маъно ҳамроҳлик қилади. Сабаб, максад, шарт, боғлиқлик каби қўллаб маънолар шулар жумласидан. Бу маънолар талкиотчини чалғитувчи нутқий иллюзияни келтириб чиқаради. Шу бонедан грамматик талкиотларда майл маъноси хусусида сўз кетганда сабаб, максад, шарт каби маъноларни нутқ шароити ва матн талабига кўра уни ифодалашга ҳосланмаган майл турига ҳос қилиб қўйиш учраб туради ва бунда майлининг услубий имконияти кенглиги уқтирилади. Функционал нуктаи назардан, албатта, бу услубий вазифа бўлиб, субстанциал нуктаи назардан нокатегориал, яъни ҳамроҳ маъно сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Тил бирлиги лисоний қиймати мураккаблигининг объектив асоси мавжуд бўлиб, бу борлиқдаги бирорта нарса ҳам соф ҳолда бўлмаслиги, ҳар бир алоҳида нарсалар турли умумийлик зарраси — хусусийлиги қорилиган ҳолда мавжуд бўлиши билан белгиланади. Шакл-кўриниш ва материал хусусияти нарсанинг ўз субстанциал моҳияти кўринишини тўсқин қўядиган

даражада яққол намоён бўлиши ҳам мумкин. Бу эса ҳар қандай ҳолда ҳам ташқи зоҳирий аломатга таяниб иш қўрувчи эмпирик тишуносни қалбидан ҳолат.

2. Нарса субстанцияси текшириладиганда умумийлик ва моҳият категорияси аксар ҳолатда фарқланмасдан қўлланади. Бу эса тил бирлигининг соф лисоний ҳосаси бўлган моҳият ва умумийлиқни ажрата олмаслиққа, уни қорилишнинг олиб келади.

3. Умумийлик бирлигининг лисоний қиймати бўлиб, у моҳиятни ҳам, моҳиятдан ташқаридаги, лекин у билан диалектик алоқадорликда бўлган жихатни ҳам қамраб олади. Тишуносликда фалсафий субстанция ва акциденция, умумийлик ва моҳият категориясининг бундай тушунилиши, ҳамда ўрганиш объектига изчил ва тўғри татбиқ этилиши лисоний бирлик табиатини тўлароқ ойдинлаштириш имконини беради. Уни аниқлашда дастлаб нутқ бирлигида қорилиш ҳолда мавжуд бўлган соф лисоний умумийлик зарраси ва «бетола» маъно фарқланиб, иккинчи босқичда лисоний умумийликдаги моҳият ва ёндош жихат ўрганилади.

4. Грамматик шакл умумий маъноси мураккаб табиатли. Умумий грамматик маъно мураккаб таркиби бўлишининг умумийлигистик қонуниятининг нутқда яхлит воқелишини, унда турли сатҳ ҳодисаси қорилиш келтирилади.

5. Нутқий грамматик маъно таркиби катгориал, яъни субстанциал, ёндош ва ҳамроҳ маънодан иборат. Улардан субстанциал ва ёндош маъно лисоний ҳаракатга эга бўлиб, ҳамма диалектик боғлиқликда, ҳамроҳ маъно эса нутқий табиатлидир.

6. Катгориал маъно грамматик шаклининг субстанциал моҳияти бўлиб, ёндош маъно категория УГМсида мавжуд ва катгориал маъно билан диалектик боғланган лисоний ҳодисалар.

7. Ёндош маъно аслан қайси сатҳга тегишлилигига қараб унинг лексик, морфологик, синтактик, услубий ва қорилиш тури фарқланади. Бу эса катгориалнинг лексик-грамматик, синтактик, услубий-грамматик каби кўриниши билан боғлиқ.

8. Ҳамроҳ маъно — катгориал маъно билан диалектик боғлиқ бўлмаган матн ва нутқ шароитига боғлиқ равишда юзга чиқадиган маъно. Ҳамроҳ маънонинг ҳам лексик, морфологик, синтактик, услубий ва қорилиш ҳамроҳ маъно каби турини фарқлаш мумкин.

9. Замон категорияси ўзбек тилида энг кўп шакли катгориалдан ҳисобланади. Унинг асосий уч тури қўллаб ички турларга бўлиниб кетади. Буни ажратиб, ўз-ўзидан замон категориясида лисоний катгориал ва ёндош, нутқий ҳамроҳ маънони фарқлашаслик оқибатидир. Катгориал ва ёндош маъно замон категорияси шаклини ажратиб учун асос бўлади.

10. Замон катгориасида замон ва майл маъноси диалектик боғлиқда бўлиб, бири иккинчисисиз юзга чиқмайди. «Майл» маъноси «замон» маъноси учун нокатегориал, аниқроғи, ёндош маъно сифатида яшайди. Майл катгориаси учун «замон» маъноси ана шундай қиймат ва аҳамият касб этган.

¹ Закириллаев Г. Н. Ўзбек тили морфологияси. Филология институтининг ўқув қўлланма. —Бухоро, 1994. —б. 163.

Нутк жараёнида бу икки тур маънога турли-туман нуткий ҳодиса ҳамроҳлик қилади.

Диссертациянинг асосий мазмунни қуйидаги илмий ишларда ўз ифодасини топган:

1. Н.Муслуманова. Категориял ва нокатегориал маъно // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. – №3. – Б.81–82.
2. Н.Муслуманова. Грамматик шаклларда категориял ва нокатегориал маъно / Миллий истиклол гоёси ва давлат тили тараққиёти. «Давлат тили ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Қарши, 2004. – 74–77 б.
3. Н.Муслуманова. Она тилидан табакалаштирилган машғулларда грамматик шаклларда категориял ва нокатегориал маъноларни фарқлаш маши / Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан университет магистр ва аспирантларининг «Фан, тараққиёт ва ёшлар» мавзусидаги илмий-амалий анжумани материаллари. – Қарши, 2004. – 5–7 б.
4. Н.Муслуманова. Ҳамроҳ маъно ва унинг турлари / Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан университет иқтидорин талаба, магистр ва аспирантларининг «Фан, тараққиёт ва ёшлар» мавзусидаги илмий-амалий анжумани материаллари. II қисм. – Қарши, 2005. – 25–28 б.
5. Н.Муслуманова. Ёндош маъно ва унинг турлари // Насаф зиёси. – Қарши, 2005. – №2-3. – Б. 31–33.
6. Н.Муслуманова. Она тилини табакалаштириб ўқитишда мураккаб машқлар // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2005. – №5. – Б.4–6.
7. Н.Муслуманова. Лисоний ҳодисаларда умумийлик ва хусусийлик диалектикаси // Миллий истиклол гоёсини талқин, ташвиқ ва тарғиб этиш муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Қарши, 2006. – 50–53 б.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Муслуманова Наргиза Раҳматиллаевнанинг 10.02.02–ўзбек тили ихтисослиги бўйича «Грамматик шаклларда категориял, ёндош ва ҳамроҳ маъно (замон ва майл категориялари мисолида)» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (нг муҳим) сўзлар: умумийлик, хусусийлик, грамматик шакл, ҳаракат тарзи шакли, грамматик категория, категориал маъно, ёндош маъно, ҳамроҳ маъно, умумий грамматик маъно (УГМ), хусусий грамматик маъно (ХГМ), оралик грамматик маъно (ОГМ), умумий лугавий маъно (УЛМ), грамматик маъно, субстанция, моҳият, ҳодиса, лисоний маъно, нуткий маъно, замон, майл.

Тадқиқот объекти: ўзбек тили грамматик (морфологик) категориялари.

Ишнинг мақсади: ўзбек тили грамматик категориялари УГМни мураккаб таркибли бўлиб, унда категориянинг субстанциал моҳияти бўлган категориал маъно билан биргаликда бошқа категорияга хос ёндош ва ҳамроҳ маъно қоришган ҳолда мавжудлигини асослашдан иборат.

Тадқиқот усули: систем текшириш, зиддиятга қўйиш, компонент таҳлил усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг аниқлиги: ўзбек тилшунослигида грамматик маъно таркиби илк бор категориял, ёндош ва ҳамроҳ маънодан иборатлиги, категориал маъно мақоми, ёндош ва ҳамроҳ маънонинг табияти ҳамда тури, ўзбек тилининг ҳар бир грамматик категориясига хос категориял маъно таркиби, категориянинг категориял, ёндош ва ҳамроҳ маъноси умумий ҳолда, шунингдек, замон ва майл категорияси УГМни таркиби махсус бобда ўрганилиб, замон категорияси УГМни учун «замон» маъноси категориял ва «майл» маъноси нокатегориал, майл категорияси УГМни учун эса «майл» маъноси категориял ва «замон» маъноси нокатегориал маъно эканлиги, бу категорияларнинг ёндош ва ҳамроҳ маъно ҳамда унинг тури аниқланди ва тавсифланди.

Амалий аҳамияти: диссертациядан ўзбек тилшунослигининг морфология соҳаси бўйича дарслик ва қўлланмалар тузишда, махсус курс ўқишда, ўзбек тили академик грамматикасини яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари «Ўзирги ўзбек адабий тили» (муаллифлар жамоаси, -Т., УЗМУ, 2006) қўлланмасининг «Морфология» бўлимида, «Ўзирги ўзбек адабий тилидан машқлар тўплами» (муаллифлар жамоаси, -Т., 2006) да амалиётга татбиқ этилган.

Қўлланиш соҳаси: диссертация материалларидан олий ўқув юрти филология факультетларида ўқитиладиган «Ўзирги ўзбек адабий тили» курсининг «Морфология» бўлимидаги «Грамматик маъно», «Грамматик шакл», «Грамматик категория», «Замон ва майл категориялари» мавзуларини ўқитишда фойдаланилади.

РЕЗЮМЕ

диссертации Муслимановой Наргизы Рахматиллаевны на тему «Категориальные, сопутствующие и сопряжённые значения в грамматических формах (на примере категорий время и наклонения)» на соискание учёной степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.02 – узбекский язык

Ключевые слова: общее, частное, грамматическая форма, образ действия, категория, категориальное значение, грамматическое значение, сопряжённое значение, сопутствующее значение, общее грамматическое значение (ОГЗ), частное грамматическое значение (ЧГЗ), субстанция (основа), отражение, сущность, явление, время, наклонение.

Объект исследования: грамматические (морфологические) категории узбекского языка.

Цель работы: грамматические категории узбекского языка являются сложносоставными по своим ОГЗ, в которых содержится их субстанциальная сущность. Это является обоснованием существования в них вместе с категориальным значением сопутствующих и сопряжённых значений, собственных других категорий.

Методы исследования: системное исследование, проведение через противоречий, методы компонентного анализа.

Полученные результаты и их новизна: впервые в узбекском языкознании в общем плане доказано, что структура грамматического значения состоит из категориального, сопутствующего и сопряжённого значений; определен статус категориального значения, сущность и виды сопутствующих и сопряжённых значений; обозначена структура категориального значения, свойственная различным грамматическим категориям узбекского языка; изучены категориальное, сопутствующее и сопряжённое значения категорий; а также, в отдельной главе рассмотрена структура ОГЗ категорий времени и наклонения; выявлено, что для ОГЗ категории времени значение «время» является категориальным, а значение «наклонение» – некатегориальным, для ОГЗ категории наклонения значение «наклонение» является категориальным, а значение «время» – некатегориальным; определены и классифицированы сопутствующие и сопряжённые значения данных категорий и их виды.

Практическая значимость: результаты исследования можно использовать при составлении учебников и учебных пособий, проведении спецкурсов по морфологии узбекского языка, создании академической грамматики.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования отражены в главе «Морфология» учебного пособия «Современный литературный узбекский язык» (коллектив авторов. - Т., УЗМУ, 2006), в «Сборнике упражнений по современному литературному узбекскому языку» (коллектив авторов. - Т., 2006).

Область применения: материалы диссертации могут быть использованы при проведении теоретических и практических занятий в факультетах филологии по темам «Грамматическое значение», «Грамматическая форма», «Грамматическая категория», «Категория времени и наклонения» в отделе «Морфология» по курсу «Современного литературного узбекского языка».

RESUME

Thesis of Musilmanova Nargiza Rakhmatillaevna on the scientific degree competition of the doctor of sciences in Philological Specialty 10.02.02. – the Uzbek language «Categorical, accompanying and interfaced meanings in grammatical forms (on the basis of category of tense and mood)».

Key words: general, individual, grammatical form, categorical meaning, adverbial modifier of manner, grammatical meaning, interfaced meaning, accompanying meaning, general grammatical meaning (GGM), individual grammatical meaning (IGM), substance (basis), reflective meaning, essence, phenomenon, tense, mood.

Subject of the inquiry: grammatical (morphological) categories of the Uzbek language.

Aim of the inquiry: according to their GGM grammatical categories of the Uzbek language are complex, in which there is substantial essence. It is a proof of existence of categorical meaning of the accompanying and interfaced meanings, peculiar to other categories, in them.

Method of inquiry: systematic investigation, carrying out through contradictions, the method of componential analysis.

The results achieved and their novelty: for the first time in the Uzbek linguistics the structure of grammatical meaning, consisting of categorical, accompanying and interfaced meanings, has been proved generally; the status of categorical meaning, essence and kinds of the accompanying and interfaced meanings is determined; the structure of categorical meaning, peculiar to various grammatical categories of the Uzbek language is also designated; categorical, accompanying and interfaced meanings of categories have been studied; GGM structure of categories of tense and mood was investigated in the separate chapter; it is revealed that the "tense" meaning for GGM category of tense is categorical and "mood" meaning is not and the "mood" meaning for GGM category of mood is categorical but the "tense" meaning is not; the accompanying and interfaced meanings of the given categories and their kinds have been determined and classified.

Practical meaning: the results of the research may be useful for writing textbooks and manuals, carrying out special courses on morphology of the Uzbek language, and creating an academic grammar.

Degree of embed and economic affectivity: the results of the research have been published in the chapter "Morphology" of «Modern literary Uzbek language» (collective authors - T., UzMU, 2006), in «The collection of exercises on modern literary Uzbek language» (collective authors - T., 2006).

Sphere of usage: materials of the dissertation can be used in theoretical and practical classes, held in philological faculties of universities, on themes «The grammatical meaning», «The grammatical form», «The grammatical category», and «The category of tense and mood» in "Morphology" section of the course «Modern literary Uzbek language».



Боснишга рухсат этилди: 25.10.2007. Хисоб наشريёт табоғи 1,5
Шартли босма табоғи 1,5 Бичими 8хх60⁽¹⁶⁾ Азали 100 Бууртма тажмини 122

ЎзР ФААК босмахонасида chop этилди
Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси 13 уй